

Ёшларимизнинг Ватанимиз келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

**MOXSUS SON**

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI



# YOSHLAR OVOZI

30 iyun — Yoshlar kuni

№ 52-53 (16358)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovozi.uz

yoshlarovozi@umail.uz

@Yoshlarovozi

## Бирдам! Илдам! Ҳамқадам!



**Иқтидорли ёшларимиз кўп**

Камолиддин МИРЗААХМЕДОВ, Республика ёш олимлар кенгаши раҳбари

2

**Руҳият манзилларида**

4 Дилфуза ШОДИЕВА, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази директори



**Яхшилик қил, дарёга ташла...**

4 Раъно ШОДИЕВА, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази раҳбари



**Сардори менман!**

6 Сардор БОЗОРБОВ, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти етакчи мутахассиси



**Йўлдаман**

7 Меҳриноз АББОСОВА, Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси



Ёшлик — тўлқин. У сени тараққиёт оқими билан бирга порлоқ манзиллар сари элтади. Аммо мақсадга эришиш учун тинмай ва толмай меҳнат қилмоқ зарур. Бирлашган ўзади, албатта. Бирлашиб биз — катта кучмиз, деганларича бор. Бугун мамлакатимизда катта тантана. Миллионлаб қоракўзлар ўз байрамини нишонламоқда. Президентимиз икки йил муқаддам 30 июни Ўзбекистон ёшлари кuni, деб эълон қилганди. Куч ва шижоатга тўла юртда навқирон авлод вакилларига шу қадар юксак эътибор кўрсатилаётгани кўп нарсадан нишона. Бундан, аввало, ўғил-қизларимиз элу юртнинг таянчи экани ҳақида хулоса чиқарса бўлади. Шубҳа йўқки, ислохотлар чигиригидан басма-бас ўтиб келатган давлатимиз уларга беҳад ишонди, орзу ва интилишларини қадрлайди, ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр. Охири йилларда ёшларимиз мана шундай муносабатни оқлашга, Ватан қорига ярашга, жамиятнинг ҳақиқий локомотивига айланишга астойдил ҳаракат қилди. Қилиб келмоқда ҳам! Эҳ-ҳе, атиги бир йил мобайнида қилинган ишлар, эришилган ютуқлар, амалга оширилган янги лойиҳаларни санаб адоғига етмайсан киши. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг ўздан қалин китоб чиқарса бўлади. Ёшлар кuni муносабати билан Иттифоқ икки йиллик жўшқин ҳаётда рўй берган энг муҳим ва ёрқин ҳодисаларни газетамиз саҳифаларида акс эттиришга қарор қилдик. Марҳамат, кўринг, ўқинг ва баҳраманд бўлинг!

Р.Назарматов



**ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР:**

- EMT Ташкилот дотари
- ЮНЕСКО
- ЮНЕСКО
- Жапон ёшлари
- Шаҳар қўшниқчи ташкилати
- Мустақил дотари қўшниқчи

**689 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ХОРИЖДА ТАЖРИБА АЛМАШДИ ВА МАЛАКА ОШИРДИ.**

2017 йил 30 октябрь - 9 ноябрь  
2018 йил 26 - 30 июль  
2019 йил 4 - 13 декабрь  
2019 йил 22 январь - 1 февраль  
2019 йил 8 - 9 апрель  
2019 йил 11 - 12 март  
2019 йил 4 - 9 июль

**ВАЗИФАЛАРИ:**

**Билиб қўйки, сени Ватан кутади**

**Алишер САДУЛЛАЕВ**  
Сўради: "Ўш" рўй ҳақида  
Сўради: "Ўш" рўй ҳақида

**12** 2017 - 2019 йилларда  
**16** 2017 - 2019 йилларда  
**13** 2017 - 2019 йилларда



## Болага китоб беринг!

“Қаерликсиз?” деган саволга “Ўзбекистонданман!”, деб жавоб берамиз. Мабодо юртимиз ҳақида билмагудек бўлса, Имом Бухорий, Муҳаммад Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юртиданман, деб ўзимизни танитамиз. Буюк бобокалонларимиз билан фахрланиб, улар ёзган китобларни, амалга оширган ишларини санаймиз...


Улар ифтихорга муносиб. Аммо қачонгача куруқ мактанамиз? Ўзимиз қачон уларга муносиб авлод бўламиз? Боболаримиздан қолган китобларни ўқиб, улар бошлаган ишни давом эттириш, юртимиз довуғини элларга дoston қилиш пайти етмадимикан?

Болаларни китоб ўқишга, илм олишга қизиқтириш айна пайтда муҳим масала ҳисобланади. Шoirа Зулфия Мўминова бу ҳақда шундай дейди:

*Полатон у, жайрон у,  
Кичик Абу Райҳон у,  
Сизга қараб хайрон у,  
Болага китоб беринг.*

Демак, китоб ўқиб илмимизни бойитсаккина, ривожланиш сари дадил қадам ташлаймиз. Китоб мутолаасига ҳавас, аввало, онадан бошланади. Ота-оналар фарзандларидан китоб ўқишга меҳр уйғотиши учун ўзлари китобхон бўлиши лозим.

Президентимиз ташаббуси билан китобхонлик маданиятини шакл-



лантириш мақсадида “Ёш китобхон” танловининг ўтказилаётгани, кўчма кутубхоналар ташкил этилаётгани фикримиз исботландир. Шу кунга қадар юртимизда “Ёш китобхон” республика танлови икки марта ўтказилиб, голибларга беш дон-

“СПАРК” автомашинаси берилди. Танлов савияси ўсиб, кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 2018 йилда 720 минг нафарга яқин ёш танловда иштирок этиш учун мурожаат қилган бўлса, бу йил улар сонини 1 миллион нафардан ошиб кетди.



— Ойнаи жаҳон орқали “Ёш китобхон” танловини қизим иккимиз томоша қилгандик, — дейди самарқандлик Гулчехра Маматова. — Биринчи ўрин соҳибаси автомобиль билан тақдирланганини кўриб, наҳотки, китоб ўқиб машина олса, деб ўзимга ўзим савол бердим. Қизим “Туғилган кунимга энг сўнгги урфдаги телефонни олиб берасиз”, деб юрганди. Танловни кўргандан кейин фикри ўзгариб, энг сара алабидларни олиб беришимни сўради. Бундан бошим осмонга етди. Қизим китоб ўқиб, голиблар сафидан жой олишига ишонман.

“Ёшлар кутубхонаси” рўқни остида 2017-2018 йиллар давомида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 47 номдаги бадий китоб 10 минг нусхадан (жами 470 минг дон) чоп этилди. Китоблар тўплами республикамиздаги 9 мингдан ортиқ мактабга ҳамда Иттифокнинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашларига тарқатилди.

Иттифок ташаббуси билан 2017 йилда “Кўчма кутубхоналар” (библиобус) фаолияти йўлга қўйилди. “Ўзавтосаноат” АК томонидан бир дон “Кўчма кутубхоналар” MAN CLA 16.220 русумли библиобус тайёрланди. Натижада республикамиз ҳудудларида 80 мартадан зиёд кўчма китоб дўконлари ва кўчма кутубхоналар ташкил этилди.

Йил давомида турли лойиҳа ва тарғибот акциялари доирасида республика бўйлаб 100 мингдан ортиқ бадий китоб ёшларга тарқатилди.

— “Ёш китобхон” республика танлови ёшларни бирлаштира олди, — дейди танлов голиби — самарқандлик Махлиё Ўроқова. — Баъзи тенгдошларим китоб ўқишга бўш вақти йўқлигини рўқча қилиб, кунини ижтимоий тармоқда ўтказди. Бугунги кунда “Китоб ўқийман”, деган инсон учун керакли шароит яратилган. Масалан, электрон китоб дейсизми, аудио шаклдагиси дейсизми... Эски китобларни мутолаа қилишни ёқтираман. Бунинг ўзинга яраша завқи бор.

## “СОЦИАЛ ЛИФТ”

Ёшлар мамлакат эртаси, таянчи ҳисобланади. Ёшларга ишонган, уларни қўллаб-қувватлаган юртининг келажоги порлоқ. Бу борада Ёшлар иттифоқи ҳам кўплаб ёшлар учун “ижтимоий лифт” вазифасини бажарди. Бир қатор ёшларимизнинг интилишлари Президент ва Иттифок томонидан эътироф этилиб, уларга муҳим вазифалар ишониб топширилди. Жумладан:



**Алишер САЪДУЛЛАЕВ**  
ОЛДИН — “Result” ўқув маркази директори  
СЎНГ — Халқ таълими вазири ўринбосари  
ҲОЗИР — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

### Одилхон ТОЖИЕВ

ОЛДИН — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари  
ҲОЗИР — Тошкент вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари



### Ўткир ШУКУРОВ

ОЛДИН — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари  
ҲОЗИР — Андижон вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

### Олимжон ТҮЙЧИЕВ

ОЛДИН — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети магистранти  
ҲОЗИР — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи



### Саиддакбархон АКБАРОВ

ОЛДИН — Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси  
ҲОЗИР — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи

### 10 – 14 ЁШ ТОИФАСИ БЎЙИЧА:

Самарқанд вилоятидан 14 ёшли  
Махлиё Ўроқова  
238 балл, 1-ўрин.



### 15 – 19 ЁШ ТОИФАСИ БЎЙИЧА:

Қорақалпоғистон Республикасидан 16 ёшли  
Нурсулъу Коканова  
282,9 балл, 1-ўрин.



Самарқанд вилоятидан 16 ёшли  
Моҳинисо Шомуродова  
252,25 балл, 1-ўрин.



### 20 – 30 ЁШ ТОИФАСИ БЎЙИЧА:

Тошкент шаҳридан 22 ёшли  
Шоҳсанам Холбоева  
327,2 балл, 1-ўрин.



Фарғона вилоятидан 22 ёшли  
Шарофат Исмоилова  
270,5 балл, 1-ўрин.



## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ КЎП

Уларга шароит яратиб бериш бизнинг вазифамиз

Камолитдин МИРЗААХМЕДОВ,  
Республика ёш олимлар кенгаши раҳбари:

— Бизнинг ёшлар ҳеч кимдан кам эмас. Уларнинг қизиқишларини билиб, ўз соҳаларини пухта эгаллаши учун шароит яратиб берсак бўлгани. Қарабсизки, истеъдод соҳиблари айнан бизнинг юртимизда пайдо бўлади.

Биз ўз олдимизга ёшлар орасидан истеъдодлиларини таянлаб олиб,

уларнинг ташаббусларини амалга оширишга ёрдам беришни, иқтидор эгалларини кашф этишни, ҳаётимизга инновацион янгиликларни татбиқ этишни, бошқа давлатлар билан тури соҳаларда рақобатбардош бўла оладиган ёш кадрларни тарбиялашни мақсад қилганмиз.




## Умумжаҳон миқёсда



7 ТА МАМЛАКАТДА АССОЦИАЦИЯНИНГ ВАКИЛЛАРИ САЙЛАНГАН



### ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР



**ХИТой**  
Хуснулло Асадуллаев



**ГЕРМАНИЯ**  
Камолитдин Бердиев



**РОССИЯ**  
Равшанбек Атамуратов



**РОССИЯ**  
Бунёдбек Бобоҷонов



**ТУРКИЯ**  
Эргаш Жумаев



**ЯПОНИЯ**  
Жўрабек Ҳасанов



**БЕЛАРУСЬ**  
Абборжон Раҳмонов



**ЛАТВИЯ**  
Йўлдош Раҳимов

### ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР:

- БМТ Тараққиёт дастури
- ЮНИСЕФ
- ЮНЕСКО
- Жаҳон банки
- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
- ТИКА

Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ҳиндистон, Германия, Озарбайжон, Туркия, АҚШ, Миср, Беларусь ва бошқа давлатларга 44 мартаба хорижий сафар амалга оширилди.

### 689 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ХОРИЖДА ТАЖРИБА АЛМАШДИ ВА МАЛАКА ОШИРДИ.

2017 йил 30 октябрь – 9 ноябрь

Вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат Ўзбекистон делегацияси Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск ва Астрахань шаҳарларидаги 12 минг нафарга яқин ҳамюртимиз билан очиқ мулоқотлар ўтказиб, муаммоларини ўрганди.

2018 йил 26 – 30 июнь

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий Осиё ёшлари форуми ўтказилди. Яқунда ёшлар масалалари бўйича 2019-2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда форум декларацияси имзоланди.

2018 йил 22 июль

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ШХТ Ёшлар кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

2018 йил 4 – 13 декабрь

Германия федерал техник ёрдам агентлиги – “ТНВ-Јugend” вакиллари юртимизга ташриф буюрди.

2019 йил 22 январь – 1 февраль

45 кишилик Хитой делегацияси мамлакатимизга келиб, “Hi China” дунё ёшларини ривожлантириш форуми ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда амалга оширилган “Ёш сардор X” лойиҳасида иштирок этди.

2019 йил 29 январь – 1 февраль

Тошкентда Ўзбекистон ва Қирғизистон ёшлари куни бўлиб ўтди.

2019 йил 8 – 10 февраль

Россия ёшлар иттифоқи таклифига кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Ступино шаҳрида хизмат сафарига бўлди. Ҳамкорликда Ёш лидерлар клуби ташкил этилди.

2019 йил 11 – 12 март

Вакилларимиз Ўш шаҳрида “Ўзбекистон ва Қирғизистон ёшлари кўшничилик кадриятининг давомчиси” мавзусидаги форумда иштирок этди.

2019 йил 8 – 9 апрель

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош қароргоҳида ўтказилган VIII ЭКОСОС (Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш) ёшлар форумида иштирок этди. Қирғизистон, Сингапур, Нигерия делегациялари раҳбарлари ҳамда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), “Generation Unlimited” фонди вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

2019 йил 4 – 9 июнь

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Россиянинг Ставрополь шаҳрида ўтказилган БРИКС ва ШХТга аъзо мамлакатларнинг “Талабалар баҳори” халқаро фестивалида иштирок этди.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси 2017 йил 22 декабрда ташкил этилган.

### ВАЗИФАЛАРИ:

Хорижда таълим олаётган, меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда ўзбек диаспоралар билан ҳамкорлик олиб бориб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа турдаги амалий ёрдамлар кўрсатади.

## Билиб қўйки, сени Ватан кутади



Ватанини асраб-авайлаш, унга бўлган меҳрини изҳор этиш ёшларнинг бошланғич вазифаси. Ҳар бир қарич ерини азиз тутиб, эл-юрти хизматига шай туриш олий қадрият. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳарбий қисмлардаги ёшлар билан ишлаш бўлими ана шундай эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилмоқда. Қуйида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишамиз.

- Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Ёшлар иттифоқи ўртасида меморандум имзоланди;
- Ҳамкор ташкилотлар билан Марказий кенгашнинг 6 та икки томонлама қўшма қарорлари тасдиқланди;
- 2018 йилнинг февраль ойида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва ҳудудий кенгашларида ҳарбий қисмлардаги ёшлар билан ишлаш бўлимлари ташкил этилди;

Қуроли Кучлар тизимида 550 дан ортиқ Иттифонинг бошланғич ташкилотлари тузилди ва уларга 90 мингга яқин ҳарбий хизматчи аъзолар қабул қилинди; ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда 2 минг 700 га яқин очиқ мулоқот, 1 минг 270 дан ортиқ талбир

ўтказилиб, уларга 11 минг 180 нафарга яқин ёш жалб этилди; ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим муассасалари кутубхоналарига 18 мингдан ортиқ адабиёт, ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун минг донга ўқув-услубий қўланма, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кара-

тилган 245 мингдан ортиқ тарқатма материаллар етказиб берилди;

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида 120 нафар ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилот етакчилари малака оширди;

Ўтказилган турли тавловларда ҳарбий қисм ва таълим муассасаларидан 27 минг 200 га яқин ёш иштирок этди; жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари “Ёшларда ватанпарварлик, масъулият ва жавобгарлик хиссини қучайтиришдаги ўсатувор вазифалар” мавзусида Давлат хавфсизлик хизмати Четгара қўшнларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиларининг I форуми ўтказилди; жойларда Қуроли Кучлар тизимида фаолият юритиётган ҳарбий хизматчилардан иборат тарғибот гуруҳлари шакллантирилиб, 320 дан ортиқ талбир ташкил этилди;

Қуроли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар душанбаси “Ёшлар куни” ҳамда ҳар жумаси “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” деб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини янада ошириш бўйича 10 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди;



Дилфуза ШОДИЕВА,

Ўшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази директори:

— Марказ ёшлар учун мутлақо БЕПУЛ ХИЗМАТ КўРСАДАДИ. ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ НИМА? Бу ижтимоий ишдаги махсус йўналиш бўлиб, миқознинг қийин ҳаётини ҳолатида ижтимоий-психологик жиҳатларига алоҳида эътибор бериб, муаммони ҳал қилишда ёрдам беради. Вояга етмаган ёшлар ўртасида уйдан чиқиб кетиш, енгил ҳаётга интилиш, алдашга ҳаракат қилиш ва ўғирлик қилиш ҳолатлари учрамоқда. Бунга аксар ҳолларда ота-оналарнинг ишлаш мақсадида хорижга кетиши, таълим муассасаларида болаларга етарлича эътибор қаратилмагани сабаб бўлмоқда. Натيجида бола руҳиятида тажаник, қўполлик ва асабийлик ҳолатлари кузатилиб, турли салбий оқибатлар юзга келмоқда. Марказимиз психологлари аввало миқознинг муаммосини тинглаб, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, сўнг психокоррекция ишларини бошлайди. Маслаҳат бериб, миқознинг шахс ва шахслараро муносабатларда билимини оширади. Марказимизда энг асосий эътибор ёшлар муаммоларининг олдини олишга қаратилган.

## РУҲИЯТ манзилларида

Фаолиятингизда тез ва самарали натижага эришишни хоҳлайсизми? Бунинг учун мустаҳкам ирода, аниқ мақсад қўйиб, ўзингизга ишонган ҳолда тўғри йўналиш танлашингиз муҳим аҳамият касб этади. Демак, аҳолининг нафақат ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, балки ишда ва оилада уларнинг ўзаро муносабатлари бир маромда кечиши учун ижтимоий-психологик кўмак ҳам зарур. Ёшларга психологик-педагогик кўмаклашиш, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш, имконияти чекланган болаларга мўлжалланган психологик дастурларни ишлаб чиқиш, турли ёт гоёларга мойилликнинг олдини олиш мақсадида “Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти 2017 йилда ташкил қилинган эди.



### МАРКАЗ КИМЛАР УЧУН?

Болалар ва ўсмирлар, талабалар, ёш мутахассислар ва раҳбар кадрлар, ёш тадбиркор ва ишбилармонлар, ёш аёллар ва қизлар, ёш оилалар учун хизмат кўрсатади.



Марказ ижтимоий лойиҳалар, ташкилий ва ахборот таҳлил масалалари бўлимида иборат. Ташкилот вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар ўртасида суицид ҳолатларининг олдини олиш бўйича психолог иши, сайёр психолог қабули, жазони ўташ жойларидан озод қилинган ёшларнинг ижтимоий реабилитациясига кўмаклашиш каби қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Марказ қисқа вақт ичидида гуруҳда ишлаш (психологик тренинглар ўтказиш), яқка тартибда ишлаш (маслаҳатлар бериш), ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва психологик эксперт хулосалар бериш, услубий тарғибот материалларини тайёрлаш ва чоп этиш йўналишларидаги ишларни амалга оширди. Буни қуйидаги рақамларда кўришимиз мумкин:

### АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ:

Таълим бериш, коррекция ва ривожлантириш, маслаҳат бериш, билим бериш, профилактика.



Ижтимоий-психологик тадқиқотлар ўтказиш ва психологик эксперт хулосаларини бериш йўналиши бўйича 1,5 йил давомида Боевут, Норин туманлари ва Самарқанд, Жиззах вилоятларининг 4 ТА ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ЎТКАЗИЛИБ, МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ПОРТРЕТИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. ТАДҚИҚОТДА ИШТИРОК ЭТГАН ТУМАНЛАРНИНГ 93 ТА МЎЙЛАРИ ТАДҚИҚ ЭТИЛДИ.

Услубий тарғибот материалларини тайёрлаш ва чоп этиш йўналишида таълим муассасалари учун 115 мингдан ортиқ психологик тарғибот материаллари тарқатилди.

### ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР:

- ✓ Ёш психологлар мактабини ташкил этиш;
- ✓ Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашларида ёшларга дўстона психологик кабинетларни ташкил этиш;
- ✓ Илмий иш билан машғул бўлган ёш психолог олимларнинг илмий изланишларига амалий кўмак кўрсатиш;
- ✓ Инновацион тажрибаларни ўрганиш мақсадида хорижий давлатларда ёш психологларнинг стажировкаларини ташкил этиш;
- ✓ Ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида хорижий давлатларнинг амалиётчи психологларини маҳорат дарсларини ўтиш учун таклиф этиш;
- ✓ Амалиётчи психологлар учун халқаро форум ва конференцияларни ташкил этиш.



### Шу жумладан:



## Яхшилик қил, дарёга ташла...

Шу кунга қадар биргина “МЕҲРЛИ ҚўЛЛАР” ХАЙРИЯ ЛОЙИҲАСИГА 2 МИЛЛИАРД СЎМДАН ЗИЁД МАБЛАҒ КЕЛИБ ТУШГАН. МАБЛАҒЛАР ХАЙРИЯ ИШЛАРИ УЧУН САРФЛАНМОҚДА.



Ра'но ШОДИЕВА,  
Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази раҳбари:



### 2017 ЙИЛ 13 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида Имконияти чекланган болалар ва ёшлар маркази ташкил этилди.

Марказ имконияти чекланган ёшлар қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган, кўзи оқиб, эшик эшитувчи ва муомала лаёқатига эга бўлмаган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятда тенг имкониятлар яратиш бериш, ҳуқуқий, психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли ишларни бажармоқда.

— Муҳими, биз имконияти чекланган ёшлар ва болажонларнинг ҳаётга бўлган умиди ҳамда ишончини ошириб, улар ҳеч кимдан кам эмаслигини тушунтиришимиз зарур.

Зеро, ҳар бир инсоннинг қалбида келажакка бўлган муҳаббат бисёр. Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази олдида катта вазифалар турибди. Бу эса, бизга янада катта масъулият юклайди.



### ЛОЙИҲАЛАР:

“Меҳрли қўллар”, “Меҳр улаш”, “Меҳрли музлаткичлар”, “Тадбиркорлик сирлари”, “Муваффақиятли инсон тамойиллари”.

“Меҳрли қўллар” хайрия лойиҳасига келиб тушган икки миллиард тўрт юз ўттиз уч минг сум маблағ бир қатор хайрия ишлари учун сарфланмоқда. Жумладан:

ногиронлиги бўлган ёшлар ва болалар учун 20 та ногиронлик аравачаси совға қилинди; уй-жойга муҳтож 4 нафар оиллага ҳашар ёрдамида уй-жой қуриб берилди; даволанишга муҳтож бўлган 328 нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказилди; 561 нафар буйрак кўчириб ўтказиш ҳамда жигар циррози ва гепатит касалликлари билан оғриган беморларга дори-дармон ва жарроҳлик амалиётини амалга ошириш учун кўмак берилди;

758 нафар ногиронлиги бор оила тиббий ва шахсий гигиеник воситалар, озиқ-овқат билан таъминланди;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида истиқомат қиладиган 150 дан зиёд ногиронлиги бор ёшлар ва болаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, эсдалик совғалар тарқатилди;

республикадаги 20 та Муруват уйи ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, У.К.Қурбанов номидаги болалар руҳий касалликлари шифохонасига Рамазон ойида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бадиий китоблар тарқатилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри ва вилоятида истиқомат қиладиган 200 нафарга яқин оиллага ҳар дам олиш кўнлари озиқ-овқат маҳсулотлари улашилмоқда.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК:

БМТ билан ҳамкорликда имо-ишора тилини ўрганиш бўйича дарслик ҳамда “Ҳаммаси ўз қўлингизда” номли ижтимоий видеоролик суратга олинди. “Русская гуманитарная миссия” ташкилоти томонидан 60 нафар тиббиёт мутахассислари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига сув филтрлари, болажонлар учун ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари олиб берилди. Аутизм касаллиги билан хасталаниб келаётган ногиронлиги бўлган ёшлар ва болажонлар учун россиялик мутахассислар иштирокида бепул тиббий кўрик ўтказилди.

Сезги тўқималарида нуқсонли бор ёшлар ва

болалар ота-оналари билан бирга шугулланиши учун “Монтессори” хонаси ташкил этилди. Бу хонада кунига 60 нафар бемор қабул қилинади.

Шунингдек, республикамиздаги “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти, “Республика болалар ижтимоий мослашув маркази”, “Шарқ аёли” халқаро жамоат фонди, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳам қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Марказ қошида мактаб ёшига етиб қолган ногиронлиги бор болалар учун “Қувноқ болажон — хайратлари бир жаҳон” ўқув курси ташкил этилди.



## Имкониятлар жамғармаси

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони мувофиқ, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ташкил қилинди.

ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ЁШЛАРНИНГ 4 МИНГ 400 ГА ЯҚИН БИЗНЕС-ЛОЙИХАСИ МОЛИЯЛАШТИРИЛГАН:

ишлаб чиқариш соҳасида —  
**1 минг 968 та**



хизмат кўрсатиш соҳасида —  
**1 минг 416 та**



қишлоқ хўжалиги соҳасида —  
**972 та**




**641 миллиард 400 миллион** сўм ажратилди



**29 минг 98 та** янги иш ўрни яратилди



Ёшларнинг умумий қиймати **13,8 миллиард** сўмлик лойиҳаларига КАФИЛЛИК ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.



Тадбиркорлик асослари, бизнес-режа тузиш, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит ва солиқ сиёсати каби мавзуда 2 минг 302 мартаба бизнес семинари ўтказилиб, 146 минг 812 нафар йигит-қиз қамраб олинди.

### 18 ТА “YOSH TADBIRKORLAR” КОВОРКИНГ-МАРКАЗИ:

- 106 та савдо дўкони
- 55 та тикув цехи
- 122 та аёллар ва эркеклар салони
- 84 та новвойхона ва қандолат цехи
- 44 та автосервис шохобчаси
- 72 та гўшт дўкони
- 23 та пойабзал устaxonаси
- 38 та компьютер хизмати хонаси
- 19 та фотостудия

- 10 та дорихона
  - 3 та умумий овқатланиш шохобчаси
  - 2 та хунармандчилик устaxonаси
  - 2 та ўқув маркази
  - 1 тадан “Book cafe”, шунингдек, 112 та “Yoshlar mehnat guzari” фойдаланишга топширилди.
- Натижада 1 минг 683 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

### КОБИСИН ЮЛДАШБАЕВ, Кўнғирот туманидаги тиббий клиника раҳбари:



— Тан олиш керак, сифатли тиббий хизмат юртимизнинг ҳамма жойида ҳам бирдек йўлга қўйилмаган. Айниқса, олис қишлоқ ва овулларда. Кўнғирот тумани ҳам мамлакатимизнинг шундай ҳудудларидан бири. Бу ернинг табиий иқлим шароити оғир. Тиббий хизмат кўнғилдагидек эмас. Беморлар одатда Нукус ёки Тошкентга бориб даволанади. Бу ҳолат мени анчадан буён ўйлантириб келарди. Тиббиёт коллежида ўқиганим боис, туманимизда клиника очиб, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни орзу қилардим. Лекин орзуни рўёбга чиқариш осон эмас. Ахир клиника очиш учун ишонч билдирилиши, бундай фаолият тури учун рухсат олиш ва катта миқдорда пул керак...

Даволаш-профилактик хизматларини кўрсатадиган клиника лойиҳасини ишлаб чиқиб, “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасига мурожаат қилдим. Лойиҳа маъқул келгач, менга 550 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бу маблағ эвазига клиника учун зарур жиҳозлар сотиб олиб, ишни бошлаб юбордик. Ҳозир клиникамизда 10 нафар ходим беморларга кечаю кундуз хизмат кўрсатапти. Озми-кўпми, дунё таърибасидан хабарим бор. Ишонч билан айта оламаники, бошқа ҳеч қайси мамлакатда ёшлар тадбиркорлиги учун бундай имконият яратилмаган. Бу баландпарвоз гап эмас! Олис манзилда яшайдиган, бирон ишни қўйиллатмаган ва қўлида коллеж дипломию кўксига ишонч билдириш жиддий масала. Дарҳақиқат, орзумга етиб, халқимиз дуосини олиб юрибман. Бунда Ёшлар ташкилотининг ўрни беқийс.



## ТАДБИРКОРЛИК

Сўнгги икки йилда Иттифоқнинг Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўлими ўғил-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва тадбиркор ёшларга етарлича имконият яратиш бериш учун қандай лойиҳаларни амалга оширди?

50 мингдан зиёд иш ўрни яратилди



Ёшлар иттифоқи тавсияси асосида 4 минг 555 нафар ёшга 673,9 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди



Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди

Ёш тадбиркорларга имтиёзли тарзда ер-жой ҳамда бино-иншоотлар ажратиш амалиёти жорий этилди

Ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун ийрик лойиҳаларга қўл урилди

Иттифоқ тасарруфига ўтказилган коллеж биноларида Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилиб, 201 нафар ёш тадбиркор фаолият бошлади. Натижада 850 та янги иш ўрни яратилди. 958 нафар ёшга фойдаланилмаётган давлат мулки объектларидан (“0” харид қийматида) ҳамда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридан ер, бино-иншоотлар ажратилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ёшлар иттифоқи тизимидаги сардорлар, бошланғич ташкилотлардаги йўналиш етакчилари, икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган фидойи ёшлар тавсиянома асосида доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига имтиҳонсиз қабул қилиниши белгиланган. 2018-2019 ўқув йилида илк бор барча ҳудудлардан 1 нафардан жами 14 нафар ёш талабалар сафига қабул қилинди.

Санжар Турсунбоев ана шундай ёшлардан бири. У Иттифоқ тавсиясига кўра, Чирчиқ давлат педагогика институтининг педагогика ва психология йўналишига ўқишга қабул қилинган. — Ёшлар иттифоқи менинг кўп йиллик орзуларим рўёбга чиқишига кўмаклашди, — дейди Санжар Турсунбоев. — Тинимсиз изланиш ва интилишларим ўз натижасини берди.



2018-2019 ўқув йилида 1 минг 953 нафар талаба ушбу имтиёзга лойиқ кўрилди. Шартнома пулини тўлаш учун қарийб 5 миллиард сўм йўналтирилди.

## YOSHLARGA IMTIYOZLAR MUBORALIBO



Олий таълим муассасаларида шартнома асосида таълим олаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари, ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоз аз ундан юқори бўлган талабалар йиллик шартнома пулини 35 фозини тўлаб бериш орқали рағбатлантириб борилади.

— Талаба бўлиш учун узоқ вақт ўқиб-изланиб, тайёргарлик кўргандим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Чаросхон Ҳалимова. — Аммо шартнома асосида ўқишга қабул қилиндим. Шартнома пулини тўлаш оила аъзоларимга қийинчилик тудирмаслиги учун ўқишни бошлаган кунимдан ўз устимда қаттиқ ишладим. Ўзлаштириш кўрсаткичим 86 фоздан юқори эди. Шартнома пулининг 35 фозини тўлаб беришди.

Ўзбекистон Глобал тадбиркорлик тармоғига аъзо бўлди. 2017-2018 йилларда юртимизда “Глобал тадбиркорлик ҳафталиги” ташкил этилди. Унда АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Хитой, Исроил каби 40 дан зиёд давлатдан 300 нафардан ортиқ инвестор, бизнесмен, маркетинг, малакали тренерлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди. 2018 йилда ўтказилган “Глобал тадбиркорлик ҳафталиги”да юртимиз йил кашфиёти дея эътироф этилди. “Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остида ёш тадбиркорлар, хунармандлар ва фермерлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўргазма савдоси ўтказилди. Унда 500 дан зиёд ишбилармонлар иштирок этиб, 450 миллион сўмлик маҳсулот сотилди ва 2,1 миллиард сўм қийматидаги ҳамкорлик шартномалари имзоланди.



# Сардори менман!

Гурланлик Сардор Бозорбоев Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси. У аъло баҳоларга ўқиши билан бирга республика ва халқаро миқёсдаги олимпиадаларда бир неча бор совриндорлар сафидан ўрин эгаллаган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватанимиз обрўси, шон-шўхрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган бир гуруҳ ёшлар қатори "Ўзбекистон белгиси" кўрак нишони билан тақдирланган.

— Бахтим шуки, зиёлилар оиласида туғилдим. Болалигимдан меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмастлигини шууримга синдиришган. — дейди Сардор Бозорбоев. — Эсимни танибманки, оиламизда китоб ўқиш, тарих, адабиёт ҳақидаги гурунлар ўтказиларди. 1-синфдан 5-синфгача Гурландаги 10-умумтаълим мактабида, кейин нафақат вилоятда, балки республикада ўз мактебига эга 40-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўқидим.

**Фан олимпиадаларига устозим Юсуфбой Болтаев қизиқтирган. Улар доимо "Сен олимпиада қолиби бўлиб, имтиҳонларсиз талаба бўласан, сен бунга қодирсан, фақат ўқиш ва изланишни қанда қилмаслик керак", дея таъкидларди.**

Спортда катта ютуқларга эри-

шиш учун спортчилар кунига 6-7 соатлаб машқ қилади. Олимпиадаларда ҳам қолибликни қўлга киритиш, илм-фан соҳасида бирон натижага эришиш учун кунига 10 соатлаб ўқиш, изланиш лозимлигини устозларим ўргатди. Психологларнинг таъкидлашича, ёш бола 7 ёшгача кунига мингдан ортиқ савол берар экан. У тўлақонли камолга етиш учун камида тўқсон фойз саволига жавоб олиши керак. Онам доимо оила, тирикчилик



ташвишларидан вақт орттириб, ҳар қандай саволимга эринмасдан, ҳижжалаб жавоб беришга тайёр бўлгани менинг ютуқларим пойдеворидир.

Дарҳақиқат, Сардорнинг меҳнати беҳуда кетмади. 2017 йили талабалар ўртасида ўтказилган Қори Ниё-

зий номидаги республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллади.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги**

1-халқаро олимпиада (АКНИМО-2018)да олтин медаль соҳиби бўлди. Йил якунида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Йил талабаси" деб топилди. 2019 йил 27—29 апрель кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро NCUMC олимпиадасида олтин медаль соҳиби бўлди.

Президентимизнинг Талабалар шаҳарчасига ташрифи доирасида Сардор Бозорбоевга эришган ютуқлари учун "Cobalt" автомашинаси совға қилинди. Қолаверса, Сардорбек Халқ таълими вазирлигида янги ташкил этилаётган Фан олимпиадалари бўйича иктидорли ўқувчилар билан ишлаш департаментида иш бошлади. Бу йўлда Сардорбекка омад тилаймиз!

Сумбулой НУРМЕТОВА



## ТАМОЙИЛИМИЗ — ТОТУВЛИК!

Қадимдан Ватанимиз ҳудудида кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб келган. Минг йиллар мобайнида ички низолар бўлмагани халқимизнинг бағрикенглигидан далolat. Сир эмаски, миллатлараро муносабатларда уйғунлик бўлган мамлакатларда кўпмиллатлилик жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали таъсир кўрсатади. Ёшлар иттифоқи ҳам асрлар оша қадрланиб келган дўстлик, қардошлик, меҳр-оқибат туйғуларини янада ривожлантирмоқда.

### ИТТИФОҚ ҚОШИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН 2018-2019 ЙИЛЛАРДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

"Ўзбекистонда Қозогист тили: ёшлар ниги..."  
"Год Казахстана в Узбекистане: глазами молодежи"



2018 йилда:

2019 йилда:

**Саидазиз РАСУЛОВ,**  
Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши Миллатлараро тотувлик масалалари бўлими мудир:

— Ўзбекистон — умумий уйимиз! Бугун кўплаб миллат вакилларининг тилида шу жумла янграйди. Улар юртимизда тинч-тотув яшамоқда. Бошқа халқларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши мамлакат ривожини учун замин яратди. Марказимиз ёш авлод онгига дўстлик, тотувлик яхши фазилат эканини уйғотишга ҳаракат қиляпти. Зеро, ёшларнинг бошқа халқ маданиятини ўрганиши, қизиқиши, ҳурмат қилиши муҳим. Бунга йўл қўймаган давлатларда эса диний ва сиёсий низолар авж олмоқда. Турли талотўп, урушларга сабаб бўлмоқда. Биз, катталар бунинг олдини олишимиз учун ўғил-қизларимизга ўрнак бўлишимиз керак.

**2 АПРЕЛДА** Ўзбекистон корейс миллий маданий марказлари ассоциациясида, 21 апрель кунини "Авдег" крим-татарлар миллий маданий марказида, 24 апрелда эса, "Светлица Польска" Ўзбекистон поляк маданий марказида фаол ёшлар ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилди;

**11-12 ИЮНЬ** кунлари Тошкент ва Самарқандда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) шафелигида "Терроризмга олиб келувчи зуравон экстремизм ва радикаллашувга қарши курашда ёшларнинг ўрни" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди;

**19 АВГУСТДА** Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши та-

шаббуси билан "URBAN FEST" замонавий санъат ва рақс фестивали ташкил этилди;

**28 СЕНТЯБРЬ** кунини Навоийда "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик гояларининг ёшлар тарбиясида ўрни" мавзусида семинар ўт-



казилди. "Бағрикенг Ўзбекистон" шиори остида ёшлар фестивали ҳам бўлиб ўтди. Унда:

а) иншолар танлови (иштирокчилар ишчи ва эсселарни ўз она тилларида ёки ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда тақдим этди);

б) видеороликлар танлови (ижтимоий тармоқларда #TolerantUzbekistan хаштеги остида ўтказилди);

в) турли миллат ва элат вакилларининг миллий либослари ва таомлари танлови;

ри танлови; д) хаштег фотосуратлар интернет акцияси (ижтимоий тармоқларда #TolerantUzbekistan хаштеги остида ўтказилди);

е) "Ўзбекистон — умумий уйимиз" гоясини 5 та сўз билан таърифланг" интернет акцияси (ижтимоий тармоқларда #TolerantUzbekistan хаштеги остида ўтказилди).

Маҳаллий босқичларда турли миллат ва элатга мансуб бўлган 29 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди;

**22-23 ДЕКАБРЬ** кунлари Самарқанд Ёшлар марказида "Халқлар дўстлиги" миллатлараро ёшлар тарғибот форуми ўтказилди.

— Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан 2018 йил 16 ноябрь кунини Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон — миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик юрти" мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Форумда мамлакатимиздаги турк, озар, тожик, рус, украин, қозоқ, туркман, корейс, қирғиз, арман, татар миллий-маданий марказлари ва мусулмон диний конфессияси вакиллари ва 200 дан ортиқ фаол ёшлар иштирок этди.



**15 — 22 ЯНВАРЬ** кунлари Самарқанд шаҳар Ёшлар марказида замонавий рақслар танлови ташкил этилди;

**21 ФЕВРАЛЬДА** Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ҳамда миллий маданий марказлар билан ҳамкорликда "Юрт тинчлиги, ватан равнақи — олий нъмат" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир давомида миллий маданий марказлар ўз қачинилари, урф-одатларини акс эттирувчи сахна кўринишлари билан фаол иштирок этди. Унда 535 нафар ёш катнашди;

**МАРТ ОЙИ ДАВОМИДА** Зарафшон шаҳри, Қонимех, Учқудук, Нурота ҳамда Томди туманларидаги 68 та мавжуд қозоқ тилида дарс олиб бориладиган умумтаълим мактабларида

Ўзбек-қозоқ маданият кунлари бўлиб ўтди;

— турли миллатга мансуб ижодкорларнинг таваллуд санаси муносабати билан 531 дан ортиқ тадбир ташкил этилиб, 367 минг нафар ёш иштирок этди;

**11-12 МАРТ** кунлари Фарғона вилоятида "Келажакини терроризмдан қураниш" шиори остида Андижон ва Наманган вилоятлари, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари чегарadosh ҳудудларидаги давлат бошқаруви органлари, ёшлар ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, идоралари, диний соҳа вакиллари, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш йўналишида илмий-амалий тажрибага эга мутахассислар, талаба-ёшлар иштирокида фестивал ташкил этилди;

**28-31 МАРТ** кунлари ёшлар орасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик гояларини кенг тарғиб этиш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан Ёшлар ижод саройида Япония кино кунлари ўтказилди. Кино кунларида минг нафарга яқин ёш катнашди;

**9 АПРЕЛЬ** кунини "Ёшлар пресс-клуби" да Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, "Ўзбек-Нидерланд дўстлик фонди" билан ҳамкорликда 1942 йил 9 апрель кунини Амерсфорт шаҳрида "101" ўзбек жангчилари отилган кунини ёд этиш мақсадида "Тошкент-Амстердам телекўприк" тадбири бўлиб ўтди;

**12-13 АПРЕЛЬ** кунлари Алишер Навоий номидаги киносаройда Ўзбеки-

стонда "Тожикистон маданияти кунлари" доирасида "Тожикистон кино кунлари"нинг очилиш маросими ўтказилди;

**18 АПРЕЛЬ** кунини Рус маданий маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент расмлар уйда рус маданият кунлари доирасида тасвирий санъат кўргазмаси очилди;

**19 АПРЕЛЬ** кунини Қарши шаҳар Маданият ва аҳоли дам олиш масканида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Маданият бошқармаси ҳамда вилоятдаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қардош миллатга мансуб ёшлар орасида дўстлик



муносабатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз ёшлари дўстлиги абадийдир" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди;

**20 АПРЕЛЬ** кунини "Ёшлар пресс-клуби" да "Ўзбекистонда Қозогистон йили: ёшлар нигоҳида" мавзусида учрашув ташкил этилди.



Mehrinoz ABBOSOVA,  
Respublika yosh ijodkorlar  
kengashi raisi

# Yo'ldaman

Yuragim yorig'idan  
Yorug'lik kirgan kun bu,  
Ko'z o'ngimda toshlar ham  
Gulga aylanib borar.

Arqon kabi chuvalgan,  
Chayir, qattiq yo'llarim,  
Ipkadek mayin-mayin  
Nurga aylanib borar.

Hazratning izin izlab,  
Mashrabning yo'lin istab,  
Ko'ksimdagidek mening  
Suronli jang ko'rmadim.

Bu dunyoning sinovi,  
Siylovi turli-turli,  
Hayotimda birorta  
Egizak rang ko'rmadim.

Ko'zingni uzma, Tangrim,  
Yo'llarimni bog'lama.  
Faqat olisroqdaman,  
O'zimdanda yiroqdaman.

O'zimga kelish uchun  
O'zingga ketmoqdaman.  
O'zingga ketish uchun  
O'zimga kelmoqdaman!



Asadbek JUMAYOROV,  
Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik va dizayn instituti talabasi,  
"O'zbekiston bahori" ijod festivali ishtirokchisi



Madina NORCHAYEVA

## XAYRLASHUV MAKTUBI

Oroldagi do'stim,  
sening ismingni ham  
bilmay, sen bilan xayr-  
lashmoqdaman. Bu  
chalkash yo'llarda qaytib  
uchrashimizmi-yo'qmi,  
bilmayman. Duch kelgan  
taqdirda ham boshqa  
do'stlar singari bir-biri-  
mizga aytadigan sirimiz  
bo'ladimi-yo'qmi, bu ham  
noma'lum. Meni do'st deb  
qabul qildingmi yoki yot-  
sirab turdingmi, bu ham  
menga qorong'li...

O'rtiq chidamadim... Ichkariga otildim...

Men sening og'riqlaringning bir zarrasini his qilamanmi-yo'qmi?! Biroq senga mehrim tushdi. Chetdan turib xatti-harakatlarimga nazar tashlayman. Biroz jahli aralash qadam olishing va faqat qizing oldida unutilgan tashvishlaring ko'nglimda botiq iz qoldirdi. Yodingdami?! Kunlarning birida kelinlik xonangga boshlab bording. "Bularni ko'ri!" deb, sharqona liboslar, do'ppi, dutor hamda chanqovuzga ishora qilding.

— Bular kelinlik liboslaringizmi?

— deysan ayvonda o'tirganlarga ishora qilib. — Ko'rgan borolmadim...

— Opa-singillaringiz bormi? Ular borib turishgandir?

— To'rt qizimiz. Ikkovini qo'lda bubagi bor, shiqolmaydi, mening ahvolim bu... — deysan menga tushunarli gapirish uchun o'z tilingga o'zbekcha aralashtirib.

— Eringiz yubormaydimi?

— Uning unsha ishi jo'q...

— Angladim, gap qaynonang haqida ketar edi. Bir so'z deymadim. Axir, bu sening oilang, bu sening hayoting edi.

"Men yorimni ko'ray deb, Shiqdim dengiz bo'yina..."

Deraza ortiga tikilaman. Go'yo saksovullar sahrodan bosh olib ketayotgandek hadik tortaman. Ikki kundan keyin yuzingda quvonch ko'rindi.

— Ertaga onamni ko'rishga ketaman, ikki kunga. Sen hali ketmaysanmi? — deding.

Ketadigan kuning esa yig'lagan ovozingni eshitdim. Qo'rqib ketdim. Ko'ksingga gurs-gurs urib yig'lading. Qaynonangga yig'lab-yig'lab nimalardir deding. Chidolmadim, ammo birovning oilasiga burningni tiqolamaysan kishi, shuning vajidan o'zini ko'cha eshigiga urdim. Uzo-o-o-q yurdim... Saksovullarga qarab o'yladim, ular ham qachondir dengiz o'ti bo'lganmikan?! Bo'lmasa, bu yerda qanday paydo bo'lgan, degan xayollar bilan o'zimni alday boshladim. Ular yashashni kim o'rgatdi, deyman o'yinchoq topib olib, unga tikilgan boladek. Alaloqibat uyga qaytsam, sen ketgan ekansan. Qaynonangning gapiga qaraganda, senga tongda emas, tushdan keyin borishga ruxsat berilgan ekan. Sen barvaqt o'tlanibsan, xuddi Orol kabi...

— Men ung'a jumushlaringni bajarib ket dedim, shu jomanmi? — dedi qaynonang. Unga ham so'z demadim. Qaytganingdan so'ng avvalgidan ham o'yuncha bo'lib qolding. Buning sababi menga qorong'i, senga esa azobli. Ko'chaga chiqdim, hamrohlarim qaytishga taraddud ko'rishimni aytdi. Mana, ortga qaytish kerak, axir meni qishlog'ingda topilmaydigan shovqin-suronlar kutmoqda. Ha, seni ertaga yo'ndin unutilib yoborishim tayin, biroq izg'irinlik kechada, sahroyi ovoz bilan "turmush quruv shartmi?" deganing quloqlaringa qayta-qayta chalinishini his qilyapman.

Shu xayollar bilan ichkariga kiraman, sen jim. Xonamga bosh suqaman, xonam jim. Ko'chimni ko'tarib ko'chaga chiqaman, ko'cha jim. Avtoularning qum bosgan darchalaridan bir paytlar dengiz shovullagan sahroga tikilaman, u ham jim kuzatadi. Axir, na unga, na sening umringga kelib-ketayotgan birinchi odamman...

— Kim ekan o'sha badbaxtlar, Hakim nor aytdimi-a? — Ikki-uch kishidan eshitdim. — Ko'zingiz bilan ko'rmay,

— Muhammadiso, qani bo'l, jonim, Davlatobodda do'mlarda aylantirib chiq mana buni, — dedi sutni bidonchaga quyarkan.

— Oyi... — dedi qo'rqa-pisa bolakay, — o'qituvchilarimiz urishib beryapti.

— Qaysilari, nima aybing uchun? — Darsimni buzyapsan, uyquchi, deyapti. Ikki marta birinchi soat tugaguncha, doska yonida tik turg'izib qo'ydi.

Ayolning g'azabi qaynadi. — Mahalla otinining begunoh norasidasiga jabr qilishni hali ko'rsatib qo'yaman, o'sha xudobexabarlar! — shang'illadi u.

Kutilmaganda ko'cha eshigi sharaqlab ochildi. Hovliqib kirib kelgan Abdusamad tajang bolakayni quvlashga tushdi.

— Hay-hay, to'xtang, — dedi ayol yigitning yo'lini to'sib. — Bolam qanday gunoh qildi? — Ko'rmasizmi, opa, o'g'lingiz bog'dagi o'riklarimning g'o'rasini uzib, shaharga olib borib, sota-yotganmish.



Manzura ABDULLAYEVA,  
"O'zbekiston bahori" ijod festivali sovrindori

## "XUDOJO'Y"

Bomdod namozini o'qib bo'lgach, ayol sigir sog'gani va ilxonaga kirdi. "Bismilloh..." deb qo'llarini yeliga cho'zdi. Bir zumda paqirni to'latdi. So'ng kuviga solib, erinmay yog'ini ko'pirtira-ko'pirtira "terib" oldida, sutga vodoprovod suvidan qo'shib, anchagina ko'paytirdi. Chelakni ayvonga olib chiqib, o'g'lini chaqirdi.



— Muhammadiso, qani bo'l, jonim, Davlatobodda do'mlarda aylantirib chiq mana buni, — dedi sutni bidonchaga quyarkan.

— Oyi... — dedi qo'rqa-pisa bolakay, — o'qituvchilarimiz urishib beryapti.

— Qaysilari, nima aybing uchun? — Darsimni buzyapsan, uyquchi, deyapti. Ikki marta birinchi soat tugaguncha, doska yonida tik turg'izib qo'ydi.

Ayolning g'azabi qaynadi. — Mahalla otinining begunoh norasidasiga jabr qilishni hali ko'rsatib qo'yaman, o'sha xudobexabarlar! — shang'illadi u.

Kutilmaganda ko'cha eshigi sharaqlab ochildi. Hovliqib kirib kelgan Abdusamad tajang bolakayni quvlashga tushdi.

— Hay-hay, to'xtang, — dedi ayol yigitning yo'lini to'sib. — Bolam qanday gunoh qildi? — Ko'rmasizmi, opa, o'g'lingiz bog'dagi o'riklarimning g'o'rasini uzib, shaharga olib borib, sota-yotganmish.

— Bolaga tuhmat qilihsa uyaling. — Ko'rganlar bor, tuhmat qilib o'libmanmi? — Kim ekan o'sha badbaxtlar, Hakim nor aytdimi-a? — Ikki-uch kishidan eshitdim. — Ko'zingiz bilan ko'rmay,

bolamga tashlanibiz-da hali. Xudodan qo'rqing, Xudodan.

— Basharangni yoraman, — dedi Abdusamad tajang nariroqdagi tokka suyanib, titrab turgan bolaga mushtini o'q'talib.

— Tilingizga erk beravermang, ukam. Barini Yaratganning o'zi ko'rib turibdi-ya, hech bo'lmasa, Egamdan uyalsangiz bo'lardi.

— Ec-e, opa, hadeb Xudoni o'rtaga solavermang!

— Astag'firulloh deng! Tavba deng!

— O'sha o'rik pishsa, kilosi qanchadan bo'lishini bilasizmi o'zi? — Abdusamad tajang sharta burilidda, eshik sari yurdi.

— Pul o'lsin-a, pul o'lsin, — o'ziga o'zi nola qilgandek bo'ldi ayol, eshikdan chiqib ketayotgan qo'shniidan ko'z uzmay.

— Oyi... Oyi, o'qituvchilarimiz sizni maktabga chaqirgandi, — dedi-yu, bola "piq-piq" yig'lab yubordi.

Ayol bir muddat o'ylanib turdi-da, so'ng bolasini tinchlantirdi.

— Boraman, qo'zim, boraman. Ammo bir-ikki joyda yo'triqma'rakam bor edi.

Safarga o'tlanar ekanman, xotiramni turli xil xayollar chulg'agan edi, ularning isboti o'laroq, sen qovoqlaringni ochmasdan bizni qarshi olding va uyga boshlab kirding. Xonalar bilan tanishtirar ekansan, "unchalik xushlamadiyov" degan xavotirda bo'ldim. Ammo kechki ovqatda etagimga osilib, xarxasha qilayotgan qizchangni ko'rib, seni haminqadar tushundim va hovlidagi suhbatda meni hayajonga solishga ham ulgurding. To'g'ri-da, farzandi nuqson bilan tug'ilgan onaga oson emas, axir!

O'qishimni so'radim, aytdim. Tengdoshligimni bilib, ikkimiz ham biroz xijolat chekdik. "Qiz paytim to'pmoq edim, keyin azib ketdim", — deysan, qaqroq lablaringga yolg'on kulgi chaqirib. Va yana:

— Turmushga shiqmadengmi? — deysan.

— Yo'q, endi-da... — deyman, dunyoni olifta shaharning qarichi bilan o'lab. Sen ham ichingdagini, aytasan-qo'yasan:

— Turmush quruv shartmi? Shunday jurganing durug'uy!

Nima deyishni bilmay qoldim... Juda noqulay bo'ldim. Yo sening tilingni yaxshi tushunmadimmi, deb yuzingga tikildim. Chehrangdagi ma'no qotib qolgandek, lablaring qimtilgan, nigohlaring og'ir edi.

— Qizchangiz nechchi yosh? — so'radim oxiri suhbatni o'nglashga urinib.

— Ush yoshda, — deding, — avvalgis o'g'il edi, o'ldi...



Hamdamjon MAMADALIYEV,  
Namangan muhandislik texnologiya instituti talabasi.  
"Zomin jilg'alari" festivali ishtirokchisi

— Yo'q, men bularni kiyib qo'shiq aytaman, — deysan, go'yo mening bungacha bo'lgan tasavvurlarimni chippakka chiqarib.

— Chanqovuz ham chalasizmi? — xayollarim derazasidan oftob ko'ringandek savolga tutaman.

— Ha, chanqovuz onamniki. Onam hozir shifoxonada. Ko'krak saratoni bo'lgan...

— Xudo shifo bersin! — deyman, bahor oftobiga aldangandek, xijolat tortib.

— Ush oydan beri yubormaydi...

— O'zingiz yoqtirib turmush qurganmisiz? — so'radim.

— Meni olib qochg'ang'uy. Musiqa maktabida o'qib jurgandim, jigitim bor edi. U olib qochuvig'a to'rt kun qolg'anda bu olib qoshdi...

Oroldagi dugonam, men senga taskin berolmadim. Ikkimizni-da ovutish uchun bir so'z ayto'lmadim.

— Qo'shiq aytib bering, — deyman dutorni qo'lmdan qo'ymay. Sen dutorni olib, torlarini sozlaysan. Kuylaysan-u, ovozing qafas ichidagi qush sayrog'idek ko'rinadi:



# BAKAN TEX

## FUTURE OF YARN

2018-yil oxirida 9,5 million dollarga teng mahsulot eksport qilindi. Joriy yilning o'tgan davrida 7700 tonna paxta tolasidan 6100 tonna ip-kalava ishlab chiqarildi, 13 million dollarlik mahsulot eksport qilindi.

# ISTIQBOLIMIZ YOSHLAR BILAN MUNAVVAR



2018-yilning boshida to'liq quvvat bilan ishga tushgan "BAKAN TEX" korxonasi 100 foiz paxta tolasidan ip-kalava ishlab chiqarishga ixtisoslashgan. Germaniyaning mashhur "Trutzschler", "Saurer", "Steinemann", "Neuenhauser" kompaniyalarining eng zamonaviy asbob-uskunalar bilan jihozlangan. Korxonada bir kunda 40 tonnadan ko'proq mahsulot tayyorlanadi. Korxonaning yillik ishlab chiqarish quvvati 14,5 ming tonnani tashkil etadi. Xomashyodan tortib, tayyor mahsulotga qadar, ishlab chiqarishning har bir bosqichida sifat nazorati Shvetsariyadan keltirilgan "USTER" laboratoriya uskunalar yordamida uzluksiz ravishda olib boriladi.



Ayni paytda bu yerda 500 nafardan ortiq ishchi mehnat qiladi, ularning 60 foizi ayollar. Ish jarayoni to'liq avtomatlashtirilgan, mamlakatdagi yagona qadoqlash tizimi bilan jihozlangan. Ayni paytda tayyor mahsulot MDH, Xitoy va Turkiyaga eksport qilinmoqda. 2018-yil oxirida 9,5 million dollarga teng mahsulot eksport qilindi. Joriy yilning o'tgan davrida 7700 tonna paxta tolasidan 6100 tonna ip-kalava ishlab chiqarildi, 13 million dollarlik mahsulot eksport qilindi. Bu mahsulotga ichki bozorda ham talab katta.



Korxonada ish uch smenada tashkil etilgan. Ish jarayonini yuqori malakali xorijiy mutaxassislar muvofiqlashtiradi. Bu yerda Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institutining "Yigiruv texnologiyasi" kafedrasini filiali ochilgan. Yuqori malakali mutaxassislar talabalarga ishlab chiqarish va texnologik asbob-uskunalaridan foydalanish bo'yicha amaliy mashg'ulotlar va mahorat darslari o'tkazadi. Ip yigirish sistemasi va to'qimachilikning innovatsion yangi uskunalarini to'g'risidagi ma'lumotlar ingliz va nemis tilida bo'lgan-

ligi bois, mashg'ulotlar xorijiy tillarda olib boriladi. Bu esa yoshlarga chet tillarni mukammal o'rganish uchun turki bermoqda. Yaqinda yurtimizga tashrif buyurgan Germaniyaning Federal Prezidenti Frank-Valter Shtaynmaer kompaniya faoliyati bilan tanishar ekan, bu yerda amaliyot o'tayotgan talabalar bilan suhbatlashdi. Ularning o'quv jarayoni va ilmiy tadqiqotlari bilan qiziqdi. Bo'lajak mutaxassislariga omad tiladi. Fursatdan foydalanib, MCHJ "BAKAN TEX" korxonasi jamoasi O'zbekiston yigit-

qizlarini Yoshlar kuni bilan muborakbod etadi. Yurtning ertasi bugungi yoshlar qo'lida. Ular o'zlarining bilim va malakasi, o'qish va ishdagi yutuqlari, samarali mehnati bilan yurt rivoji, el farovonligiga munosib hissa qo'shadi. Bayramingiz muborak bo'lsin, YOSHLAR!

Botir MUHITDINOV,  
"BAKAN TEX" korxonasi  
bosh direktori



## RAVNAQ-BANK

"RAVNAQ-BANK" xususiy aksiyadorlik tijorat banki jamoasi O'zbekiston yoshlarini 30-IYUN — YOSHLAR KUNI BILAN QUTLAYDI!

Vatanimizning ertangi kuni, yurt taraqqiyoti va el farovonligi sizning bugungi sa'y-harakatingiz, o'qish va izlanishga intilishingiz qay darajada kuchli bo'lishiga bog'liq. Qalbingizdagi yaratuvchanlik ishtiyoqi sizni yangi va yuksak marralarga yetkazishiga ishonamiz!



## XALQ BANKI

Aksiyadorlik tijorat banki jamoasi O'zbekiston yoshlarini 30-IYUN — YOSHLAR KUNI BILAN SAMIMIY MUBORAKBOD ETADI!

O'qish-o'rganish, taraqqiyot cho'qqilarini egallashga intilib yashash doimo hamrohingiz bo'lsin!

Shuningdek, Xalq banki yurtdoshlarimizga O'zbekistonda birinchi bo'lib joriy etilgan Kredit karta xizmatini taklif etadi.

### КРЕДИТ КАРТА

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)  
Йиллик фойз ставкаси 36%  
Имтиёзли даврда фойз ставкаси 0%  
Кредит линияси 5 йил муддатга очик линия  
Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998 78) 120-17-70  
(+998 78) 120-17-72

web site: www.xb.uz  
e-mail: info@xb.uz

Орзулар рўёбга  
айланган фўртам!



www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va  
axborot agentligida 2017-yil  
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta  
ro'yxatdan o'tgan.


BOSH MUHARRIR  
Faxriddin KARIMOV  
TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov,  
Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov,  
Hamza Abdullayev – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"),  
Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Javlon Vafoyev – mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"),  
Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi  
Sherzod  
MAHMUDOV

Dizayner  
Xurshid  
ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74,  
(71) 233-95-97,  
(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.  
Hajmi — 2 bosma tabaq.  
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-613  
Adadi — 20926  
Bosishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.50